



ENSURING SOCIAL SECURITY IN NEW UZBEKISTAN: THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS

Sukhrob Norbutaevich Khidirov

Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

M.B Bekturodov

Doctor of Sociological Sciences, Professor

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: social security in New Uzbekistan, human security, social state, meritocracy, institutional factors, ideological stability, radicalism, continuity, research.

Received: 04.05.26

Accepted: 05.05.26

Published: 06.05.26

Abstract: The article provides a comprehensive scientific analysis of the theoretical and methodological foundations for ensuring social security in the context of New Uzbekistan. It examines the idea of New Uzbekistan, recent policies of openness and transparency, the principle of the state serving the people, state programs based on the development of civil society, social cohesion, the new Uzbek spirit grounded in national values, the Uzbekistan Strategy 2030 program, as well as the theory of social security aligned with the UN Sustainable Development Goals and its new methodological foundations.

A comparative assessment of social security concepts in global sociological schools is presented, and the adaptation of the “human security” paradigm to Uzbek society is explored. The structural components of social security — demographic, economic, spiritual-ideological, information, and cybersecurity — are systematically analyzed within the “state–society–individual” framework. The role of institutional factors in shaping a social state model based on meritocratic and liberal principles is substantiated. Based on the research findings, mechanisms for ensuring social security and practical recommendations adapted to the conditions of Uzbekistan have been developed.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАР

Сухроб Норбутаевич Хидиров

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат

Бошқаруви академияси

М.Б. Бекмуродов

соц.ф.д., профессор

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизлик, инсон хавфсизлиги, ижтимоий давлат, меритократия, институционал омиллар, мафкуравий барқарорлик, радикализм, ворисийлик, тадқиқот.

Аннотация: мақолада Янги Ўзбекистон шароитида ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-методологик асослари кенг қамровда илмий асосларда таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистон ғояси ҳамда сўнги уй йилдаги очиқлик ва шаффофлик, давлатнинг халққа хизмат қилиши, фуқаролик жамиятининг ривожланишига асосланган Давлат дастурлари, жамият бирдамлиги, умумиллий қадриятларга асосланган Янги Ўзбек руҳи, Ўзбекистон стратегияси 2030 дастури, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун ижтимоий хавфсизлик назарияси ва унинг янги методологик асослари илмий асосда таҳлил этилган.

Жаҳон социологияси мактабларининг ижтимоий хавфсизлик концепцияларига қиёсий баҳо берилган, “инсон хавфсизлиги” (human security) парадигмасининг ўзбек жамиятига мослашуви ўрганилган. Ижтимоий хавфсизликнинг таркибий компонентлари — демографик, иқтисодий, маънавий-мафкуравий, ахборот ва кибер хавфсизлик — “давлат-жамият-инсон” учлиги контекста тизимли таҳлил қилинган. Меритократик ва либерал тамойилларга асосланган ижтимоий давлат моделини шакллантириш жараёнида институционал омилларнинг роли асослаб берилган. Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон шароитига мос ижтимоий хавфсизлик механизмлари ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ

Сухроб Норбутаевич Хидиров

Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

М.Б Бекмуродов

Доктор социологических наук, профессор

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: социальная безопасность в Новом Узбекистане, безопасность человека, государство, институциональные идеологическая стабильность, преемственность, исследование.

Аннотация: В статье на научной основе широко проанализированы теоретико-методологические основы обеспечения социальной безопасности в условиях Нового Узбекистана. Рассмотрены идея Нового Узбекистана, политика открытости и прозрачности последних лет, служение государства народу, государственные программы, основанные на развитии гражданского общества, общественная солидарность, новый узбекский дух, опирающийся на общенациональные ценности, программа «Стратегия Узбекистана–2030», а также теория социальной безопасности, согласованная с Целями устойчивого развития ООН, и её новые методологические основы.

Дана сравнительная оценка концепций социальной безопасности в мировых социологических школах, изучена адаптация парадигмы «безопасности человека» (human security) к узбекскому обществу. Структурные компоненты социальной безопасности — демографическая, экономическая, духовно-идеологическая, информационная и кибербезопасность — системно проанализированы в контексте триады «государство–общество–человек».

Обоснована роль институциональных факторов в процессе формирования модели социального государства, основанной на принципах меритократии и либерализма. На основе результатов исследования разработаны механизмы обеспечения социальной безопасности и практические рекомендации, адаптированные к условиям Узбекистана.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган геосиёсий бекарорлик, миграция оқимларининг ўсиши,

рақамли муҳитдаги таҳдидлар, иқтисодий инқирозлар ва мафкуравий хавфлар фондида ижтимоий хавфсизликни таъминлаш нафақат миллий хавфсизликнинг, балки барқарор ривожланишнинг ҳам узвий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, жаҳон аҳолисининг 58 фоизи ҳали-ҳамон ноформал бандликда қолиб, иш ҳақининг қашшоқлик даражаси 2000 йилдаги 27,9 фоиздан 6,9 фоизга тушган бўлса-да, 800 миллион инсон кунига 3 АҚШ долларидан кам маблағ билан кун кечирмоқда; жаҳондаги энг бой 1 фоиз аҳоли умумий даромаднинг 20 фоизини ва бойликнинг 38 фоизини назоратида ушлаб турмоқда. Ижтимоий бирдамликнинг заифлашуви кўпгина давлатларда чап ва ўнг оммавийчиликнинг кучайишига замин яратиб, давлатнинг асосий ижтимоий хизматлар — хавфсизлик, таълим, соғлиқни сақлаш — ни таъминлаш имкониятини инқирозга олиб келмоқда. Ижтимоий четланиш радикалашув жараёнини фаоллаштирувчи асосий омил сифатида тан олинган бўлиб, тадқиқотчилар адолатсизлик идроки, мафкуравий мотивация ва ижтимоий сиқилиш уйғунлигини экстремизмнинг назарий механизми деб таърифламоқда. Марказий Осиёда ўтказилган изланишлар кўрсатишича, ижтимоий-иқтисодий заифлик ва давлат институтларига ишончсизликнинг биргаликдаги таъсири радикалашув хавфини кескин оширади.

ХМТнинг 2024–2026 йиллар Жаҳон ижтимоий ҳимоя ҳисоботида кўра, ижтимоий ҳимоя тизими ижтимоий бирдамликни сақлаш, заифликни камайтириш ва инсон кадр-қимматини таъминлашда алоҳида стратегик аҳамият касб этади. ХМТнинг 2025 йилги Ижтимоий адолат ҳолати ҳисоботи эса ижтимоий адолатни тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишнинг таянч устуни сифатида белгилаб, сиёсий ирода, институционал ислохотлар ва инклюзив бошқарувсиз унга эришиб бўлмаслигини қайд этади. ИҚТЭТ (OECD)нинг 2024 йилги “Жамиятнинг кўзгуси” ҳисоботи эса ижтимоий хавфсизлик кўрсаткичларини ўлчашда миқдорий далилларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганини, давлат сиёсати самарадорлиги ва аҳолининг ижтимоий хавфлар идрокидаги тафовутни кўрсатиб берди.

Мазкур ҳолат ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-методологик асосларини — феномен моҳияти, мафкуравий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқлиги, радикализмга қарши механизмлар, ижтимоий дастурлаш ва прогностик таҳлил нуқтаи назаридан — тизимли ва комплекс равишда тадқиқ этишни замон тақозосига айлантормоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари, илмий тадқиқот институлари томонидан ижтимоий хавфсизлик назарияси ва методологиясига оид кўплаб тадқиқотлар олиб

борилмоқда. Бу борада ижтимоий бирдамлик, тенглик, интеграция, назарияларини янада такомиллаштириштиришни илгари суришмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан ижтимоий хавфсизлик назарияси ва методологиясига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ижтимоий интеграция, бирдамлик ва ижтимоий ҳамжиҳатлик масалалари сўнги йилларда нафақат ижтимоий фанларда, балки сиёсат ва оммавий дискурсада ҳам марказий ўринни эгаллаб, диний уйғониш ва этник хилма-хиллик, сиёсий популизм ва ижтимоий табақаланиш каби муаммолар атрофида кескин назарий баҳслар авж олмоқда. Ижтимоий ҳамжиҳатлик назариясини социология фани доирасида илк таҳлил қилган Эмил Дюркгейм «Меҳнат тақсимоти» асарида механик ва органик бирдамлик тушунчаларини жамиятнинг интеграция омиллари сифатида киритган бўлиб, замонавий тадқиқотчилар ушбу ёндошувни ижтимоий хавфсизликнинг назарий асоси сифатида янада такомиллаштиришни давом эттирмоқда. Ижтимоий идентификация, мансублик туйғуси ва ижтимоий ҳамжиҳатликнинг асосий ўлчамлари — ижтимоий муносабатлар, идентификация, тенглик, умумий фаровонликка йўналтирилганлик, объектив ва субъектив ҳаёт сифати — ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-социологик моделини куришда методологик таянч сифатида тобора кенг эътироф этилмоқда.

Бугун ижтимоий хавфсизликни таъминлаш нафақат миллий хавфсизликнинг, балки барқарор ривожланишнинг ҳам узвий қисмига айланди [1]. Айниқса, Ўзбекистон каби жадал трансформация жараёнларини кечираётган мамлакатларда ижтимоий хавфсизлик масаласи кенг қамровли ва кўп қиррали феъл-атвор касб этади.

Янги Ўзбекистон даврида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва “ижтимоий давлат” концепциясига ўтиш жараёни ижтимоий хавфсизликка нисбатан янги назарий-методологик ёндашувларни талаб этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Инсон қадрини бизнинг бош мақсадимиз” деган устувор тамойили ва “Инсон — жамият — давлат” учлигига асосланган янги таҳрирдаги Конституция қабул қилиниши билан ижтимоий хавфсизликни таъминлашда инсон марказий субъектга айланди [2].

Ушбу мақолада ижтимоий хавфсизликнинг назарий-методологик асослари, хорижий ва миллий тадқиқотлар таҳлили, ҳамда Янги Ўзбекистон шароитида самарали ижтимоий хавфсизлик тизимини шакллантириш масалалари кўриб чиқилади. Ижтимоий хавфсизлик масаласининг долзарблиги глобал хавф-хатарларнинг кучайиши (радикализм, ахборот уруши, миграция), аҳоли фаровонлиги ва ижтимоий адолат масалаларининг устувор аҳамият касб этиши, давлат бошқарувида инсон марказли ёндашувнинг шаклланиши,

ижтимоий тенгсизлик, бандлик ва ижтимоий ҳимоя муаммоларининг мавжудлиги каби омиллар билан боғлиқ.

Шу жиҳатдан, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш нафақат сиёсий, балки комплекс илмий-методологик ёндашувни талаб этади.

Ижтимоий четланиш, маргиналлашув ва камситиш, ижтимоий ҳамжиҳатликнинг сустлашуви ва ўз-ўзини ижтимоий изоляция қилиш радикалашув жараёнини рағбатлантирувчи асосий социологик омиллар сифатида белгиламоқда. Ижтимоий сиқилиш, маргиналлашув ва адолатсизлик идроки эса мафкуравий хавфсизликка таҳдид солувчи ижтимоий механизмлар тизимини ташкил этади.

Бундан ташқари, замонавий социологияда стереотиплар ижтимоий дунёни башорат қилиш ва тушунтиришнинг когнитив воситаси сифатида таърифланиб, уларнинг ижтимоий реалликни «ўзини ўзи амалга оширувчи башорат» механизми орқали шакллантириши тобора кучли эътироф этилмоқда. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, аҳолида сиёсий тизимга ишонч мавжуд бўлса, хавфсизлик идроки кучаяди; аксинча, сиёсий адолатсизлик идроки сиёсий ишончсизлик инқирозини, у эса ижтимоий хавфсизлик туйғусининг сусайишини келтириб чиқаради. Ижтимоий фанлар соҳасида олиб борилган прогностик тадқиқотлар кўрсатишича, жамиятдаги стереотиплар ва жинсий-касбий қолиплар бошқа ижтимоий ҳодисаларга нисбатан анча барқарор башорат қилинадиган ҳодисалар сирасига киради, ижтимоий идеологик қутбланиш ва негатив мафкуравий тамойиллар эса прогностик таҳлилнинг энг мушкул объекти бўлиб қолмоқда.

Шу боис, ижтимоий адолатсизлик идрокининг ижтимоий зиддиятларни кескинлаштириши, ижтимоий заифлик ва маҳрумиятни яширин ҳолатдан очиқ хавфга айлантириши ижтимоий хавфсизликнинг прогностик таҳлилида стереотиплар социологиясини алоҳида методологик восита сифатида ўрганиш заруратини белгиламоқда. Шундай экан, ижтимоий хавфсизликни социологик дискурс, мафкуравий жараён, ворисийлик муносабатлари, стереотипларга қиёсий ёндошув ва прогностик таҳлил нуқтаи назаридан тизимли тадқиқ этиш — замонавий социологиянинг долзарб илмий вазифасига айланиб бормоқда.

Ижтимоий хавфсизлик: назарий-методологик асослар

Ижтимоий хавфсизлик — бу шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳолати ва жараёнидир. Методологик жиҳатдан ижтимоий хавфсизлик тизимли (ижтимоий хавфсизликни комплекс тизим сифатида кўриш), институционал (давлат ва жамоат институтларининг ўрнини таҳлил қилиш),

инсон марказли ёндашув (шахс кадри ва ҳуқуқларини устувор қўйиш), риск-таҳлил (хавфларни прогнозлаш ва бошқариш) каби ёндашувларга таянади.

Янги Ўзбекистон тафаккури, давлат халққа хизмат қилиши тамойили ижтимоий хавфсизликнинг таркибий компонентларини қуйидагича таҳлил қилади. Яъни ижтимоий хавфсизликнинг асосий таркибий қисмлари

иқтисодий хавфсизлик (иш ўринлари, даромадлар барқарорлиги);

демографик хавфсизлик;

таълим ва маънавий хавфсизлик;

соғлиқни сақлаш хавфсизлиги;

ахборот хавфсизлиги;

ҳуқуқий ва сиёсий барқарорликдан иборат бўлишини илгари суради.

Ижтимоий хавфсизлик тушунчаси жаҳон социологиясида шу кунга қадар турлича ёндашувларга таянган. Жумладан, классик социологик мактаб намоёндалари Огюст Конт ва Герберт Спенсер ижтимоий хавфсизликни жамиятдаги тартиб ва мувозанат сифатида талқин қилган. Эмил Дюркгейм эса “аномия” концепцияси орқали ижтимоий алоқаларнинг заифлашуви хавф туғдиришини исботлаган [3].

Замонавий назарий ёндашувларда эса ижтимоий хавфсизлик янада кенгроқ маъно касб эта бошлади. БМТ Ривожлантириш дастури (UNDP, 1994) томонидан илгари сурилган “инсон хавфсизлиги” (human security) концепцияси ижтимоий хавфсизликни давлат эмас, аввало инсон марказида кўриб чиқиш зарурлигини илмий асослади [4].

Бу ёндашувда ҳаёт сифати, инсон ҳуқуқлари, тенг имкониятлар ва ижтимоий ҳимоя бош мезонлар сифатида белгиланади.

Энтони Гидденснинг “замонавий жамиятда хавф ва ишонч” назарияси ижтимоий хавфсизликни институционал ишонч орқали тушунтиради. Унинг фикрича, инсоннинг ўзини хавфсиз ҳис қилиши давлат ва жамият ўртасидаги ишончли муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ [5].

Барри Бузан эса хавфсизлик тушунчасини фақат ҳарбий-сиёсий ўлчовда эмас, балки инсон, иқтисод, жамият ва маданият доирасида кенгроқ талқин қилиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг “Societal Security” концепциясида ижтимоий хавфсизлик жамият идентификацияси ва ташқи таъсирларга чидамлилиқ билан белгиланади [6].

Фрэнсис Фукуяма эса “ижтимоий капитал” — яъни жамиятдаги ишонч, ҳамжихатлик ва қонун устуворлигини ижтимоий хавфсизликнинг асосий шarti деб ҳисоблайди. Самюэл Хантингтон эса “маданиятлар тўқнашуви” назариясида глобализация

жараёнида маданий идентификациянинг заифлашиши жамиятдаги барқарорликка таҳдид солишини асослаган [7].

Улрих Бекнинг “хавф жамияти” (risk society) концепцияси замонавий цивилизациянинг тақлид этаётган экологик, технологик ва ижтимоий хавфларини таҳлил қилади. Зигмунт Бауман эса “беқарор замонавийлик” (liquid modernity) ғояси орқали ижтимоий муносабатларнинг беқарор ва ўзгарувчан феъл-атворга эга бўлаётганлигини кўрсатади [8].

Ижтимоий хавфсизликнинг таркибий компонентлари

Замонавий тадқиқотлар ижтимоий хавфсизликни кўп ўлчамли ва тизимли ҳодиса сифатида таҳлил қилишни тақозо этади. Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизлик эволюциясини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин. Жумладан,

мустақилликнинг дастлабки йиллари (1991–2000) — асосий институтларни шакллантириш;

барқарорлик ва модернизация босқичи (2000–2016) — иқтисодий ва ижтимоий тизимни мустаҳкамлаш;

Янги Ўзбекистон босқичи (2017 – ҳозирги вақт) — очиқлик, ислохотлар ва инсон кадри устуворлиги.

Мазкур тадқиқотда ижтимоий хавфсизликнинг қуйидаги таркибий компонентлари детерменант (асосий таъсир қилувчи куч) ёндашув асосида шахс, жамият ва давлат хавф иерархияси нуктаи назаридан таснифланади:

демографик хавфсизлик — аҳоли нуфуси, ёш тузилмаси, миграция жараёнлари ва оила институтининг барқарорлигини ўз ичига олади. Ўзбекистонда ёш аҳолининг улуши катта бўлганлиги, бу қатламнинг ижтимоий хавфсизлик тизимида алоҳида аҳамият касб этишини белгилайди.

иқтисодий хавфсизлик — аҳолининг турмуш даражаси, иш билан бандлик, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий тенглик масалаларини қамраб олади. OECD ва Жаҳон банки методологиялари бу ўлчовни асосий кўрсаткич сифатида белгилайди [9].

маънавий-мафкуравий хавфсизлик — жамиятнинг миллий ўзликни сақлаши, маданий идентификация ва мафкуравий иммунитетни ташкил этади. Тарихий-маданий ворисийликнинг бузилиши ижтимоий хавфсизликка жиддий таҳдид солувчи омил сифатида таҳлил қилинади.

ахборот ва кибер хавфсизлик — замонавий рақамли муҳитда янги хавф тури сифатида кибербуллинг, дезинформация, манипуляция ва ёт ғояларнинг тарқалишини ўз

ичига олади. Виртуал олам хавфсизлиги ижтимоий хавфсизликнинг мустақил йўналиши сифатида шаклланмоқда.

Ижтимоий-психологик хавфсизлик — фуқароларнинг институционал ишончи, жамиятда адолат ҳисси ва ижтимоий капитал даражасини акс эттиради. Бу омил ижтимоий барқарорликнинг субъектив ўлчови сифатида алоҳида таҳлилга муносибдир.

Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизликнинг тарихий босқичлари

Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизлик эволюциясини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йиллари (1991–2000) — асосий институтларни шакллантириш;

Барқарорлик ва модернизация босқичи (2000–2016) — иқтисодий ва ижтимоий тизимни мустаҳкамлаш;

Янги Ўзбекистон босқичи (2017 – ҳозирги вақт) — очиқлик, ислохотлар ва инсон кадри устуворлиги. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш тарихини икки муҳим босқичга бўлиб ўрганиш методологик жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Биринчи ва иккинчи босқич (1991—2016): Биринчи Президент И.А.Каримов томонидан таклиф этилган “Ўзбек модели”да ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ёндашуви асосан “давлат — жамият — инсон” тартибида амал қилди. Давлатнинг бош ислохотчи сифатида қатнашиши тамойили барча жараённи ташкил этувчи асосий принцип бўлди. Бу даврда давлатнинг ижтимоий ҳимоя мажбуриятлари кучли бўлса-да, фуқаронинг ижтимоий субъектлик мақоми чекланган ҳолда қолди.

Иккинчи босқич (2017 — ҳозиргача): Янги Ўзбекистон даврида мазкур “учлик” моҳиятан ўзгарди. Энди “инсон — жамият — давлат” тамойили устувор бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Инсон кадри бизнинг бош мақсадимиздир” деган тамойили ва 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда “Инсон — жамият — давлат” училигининг мустаҳкамланиши ижтимоий хавфсизликни таъминлашда инсон манфаатлари биринчи ўринга чиқарилганлигини ифодалайди [10].

Ушбу парадигматик ўзгариш ижтимоий хавфсизликни таъминлашда фуқаронинг фаол субъект сифатида иштирок этишини, давлатнинг эса “хизмат кўрсатувчи” функциясини ўзига олишини тақозо этади. Бундай ёндашув жаҳон тажрибасидаги меритократик ва либерал тамойилларга асосланган ижтимоий давлат модели билан уйғун келади.

Радикализм, ворисийлик ва ижтимоий дастурлаш

Замонавий шароитда ижтимоий хавфсизликка таҳдид солувчи омиллардан бири — радикализмдир. Унинг юзага келиш сабаблари сирасида энг асосийлари сифатида ижтимоий адолатсизлик ҳиссини, маънавий бўшлиқни, ахборот таҳдидини санаш мумкин. Ворисийлик эса ижтимоий қадриятлар ва институтларнинг авлоддан авлодга ўтишини таъминлашга, барқарорлик мувозанатини таъминлайди.

Ижтимоий дастурлаш эса жамиятда ижтимоий хулқ-атвор моделларини шакллантириш механизми сифатида намоён бўлади.

Замонавий ижтимоий хавфсизликнинг долзарб масалаларидан бири — жамиятда радикал ғоялар тарқалишига нисбатан профилактик ёндашувни ишлаб чиқиш ҳисобланади. “Ўзини ўзи радикаллаштириш” (self-radicalisation) жараёнининг социологик хусусиятларини таҳлил қилиш орқали радикаллашувнинг “кескин ўзгариш нуқтаси” (tipping point) моделини ишлаб чиқиш эмпирик тадқиқот таҳлиллари асосида илмий ёндашувни талаб этади.

Шу маънода амалга оширилган тадқиқотнинг мақсади ижтимоий норозилик ва мафкуравий қидириш; дастлабки қарашлардан тортиб, манипулятив манбаларгача ўрганиш; ижтимоий изоляция ва гуруҳ таъсиридаги радикаллашувни ҳамда кескин ўзгариш нуқтаси орқали амалий ҳаракатга ўтишга қаратилган. Ушбу нуқтани нейтраллаш учун барвақт аниқлаш, қайта ижтимоийлаштириш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш механизмлари таклиф этилганлиги тадқиқотнинг қийматини белгилайди[11].

Ворисийлик муносабатлари ижтимоий хавфсизлик тизимининг ички субстанцияси сифатида алоҳида таҳлилга муносибдир. Фаробий, Навоий, Ибн Сино, Ғаззолий ва Румий каби буюк мутафаккирларнинг ворисийлик ҳақидаги таълимотлари бугунги ижтимоий хавфсизлик назариясини миллий маданий асос билан бойитади. Ворисийликнинг бузилиши авлодлараро алоқаларни сусайтириб, жамиятда маънавий бўшлиқ пайдо қилади ва ижтимоий хавфсизлик заифлашувига олиб келади.

“Ижтимоий дастурлаш” (social programming) механизми эса жамиятда ижтимоий хавфларни олдиндан прогноз қилиш, ахборот-тарғибот ишларини самарали ташкил этиш ва мафкуравий бардошлиқни кучайтиришга қаратилган интегратив ёндашув сифатида таклиф этилади. Ушбу механизм давлат, фуқаролик жамияти ва ОАВ ўртасидаги институционал ҳамкорликни талаб этади [12].

Методологик ёндашув ва социологик тадқиқот натижалари

Тадқиқотда социологик усуллар мажмуасидан — анкета сўрови, мақсадли интервьюлар, фокус-гуруҳлар, кузатиш ва контент-таҳлилдан фойдаланилди. Амалий асос

сифатида Ўзбекистоннинг 208 та туман ва шаҳридаги маҳаллалардан танлов асосида 1039 таси аҳолиси орасида ўтказилган кенг қамровли социологик сўров натижалари хизмат қилди.

Социологик тадқиқот натижалари асосида “Ижтимоий хавфсизлик муаммолари банки” шакллантирилди. Унда конфессиялараро, миллатлараро, авлодлараро ва гендерлараро муносабатлардаги ижтимоий хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар ва стереотиплар тизимлаштирилди. Бу база минтақавий даражада мақсадли ижтимоий сиёсат юритиш ва профилактик чораларни белгилашда амалий восита вазифасини ўтамоқда.

Тадқиқотда ижтимоий хавфсизликка доир таҳдидлар микро (инсон ва оила даражаси), мезо (худудий ижтимоий муҳит) ва макро (миллий ва глобал) даражаларда комплекс таҳлил қилиниб, ҳар бир босқич учун алоҳида механизм ва индикаторлар ишлаб чиқилди. Бу модел ижтимоий хавфсизликни институционал асосда таъминлашни методик жиҳатдан мустаҳкамлайди [13].

Зиёлилар табақасини ижтимоий фикр етакчилари (opinion leaders) сифатида трансформациялаш тадқиқотнинг алоҳида йўналишини ташкил этди. Замонавий шароитда маҳаллий зиёлилар, диний уламолар ва ёшлар лидерлари ижтимоий хавфсизликни таъминлашда ОАВ ва давлат тузилмалари билан биргаликда муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий давлат ва меритократик ёндашув

Ижтимоий давлат концепцияси Янги Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг институционал асосини ташкил этади. Меритократик тамойилга асосланган ижтимоий давлат моделида ижтимоий ёрдам ёки субсидиялар нафақат статус ёки мансабга, балки фуқаронинг ҳаракати, саъй-ҳаракати ва қобилиятига кўра берилади.

Тадқиқотда Скандинав мамлакатларининг “социал-демократик модели” ва Сингапурнинг “ижтимоий фаровонлик” модели таҳлил қилиниб, уларнинг Ўзбекистон шароитига мосланиши имконияти баҳоланди. Скандинав моделида давлат, фуқаролик жамияти ва маҳаллий институтлар ўртасидаги мувозанат ижтимоий хавфсизликнинг кафолати, деб қаралади [14].

Ўзбекистон шароитига мос ижтимоий давлат моделини шакллантириш учун қуйидаги таркибий элементлар зарур: биринчи — ижтимоий ҳимоянинг универсал кафолатлари (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой); иккинчи — ижтимоий мобилликни таъминловчи меритократик механизмлар; учинчи — фуқаролик жамияти институтларининг мустаҳкамланиши; тўртинчи — маҳалла тизими орқали жамиятдаги ижтимоий алоқаларнинг сақланиши.

Хулоса ва тавсиялар. Янги Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш — бу фақат ҳимоя эмас, балки барқарор тараққиёт, инсон капиталини ривожлантириш ва адолатли жамият қуришнинг асосий шартидир. Ушбу жараёнда назарий-методологик ёндашувларни такомиллаштириш ва амалиёт билан уйғунлаштириш стратегик аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин.

Биринчидан, ижтимоий хавфсизлик давлат сиёсатининг марказий элемент сифатида кузатилаётган, комплекс ва кўп даражали тизим сифатида шаклланаётган, Янги Ўзбекистонда инсон кадри устувор тамойилга айланаётган бугунги даврда ижтимоий хавфларни эрта аниқлаш тизимини кучайтириш, социологик мониторингни институционаллаштириш, ёшлар сиёсатида инновацион ёндашувларни жорий этиш, рақамли ижтимоий ҳимоя платформаларини кенгайтириш, таълим ва маънавиятни ижтимоий хавфсизликнинг асосий омили сифатида ривожлантириш;

бугунги давлат бошқарувида янги модел ҳисобланган рақамлаштириш, жамоатчилик назорати, тезкор қарор қабул қилиш, инсон манфаатларига йўналтирилганлик омилларини қўллаб-қувватлаш, доимий мониторинг қилиш ва самарадорлик механизмлари асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, ижтимоий хавфсизлик фақат иқтисодий ёки ҳарбий ўлчовларда эмас, балки демографик, маданий, маънавий-мафкуравий, ахборот ва кибер таркибий қисмларни ўз ичига олган кенг қамровли тизимли ҳодиса сифатида тушунилиши лозим.

Учинчидан “инсон — жамият — давлат” тамойилига асосланган янги конституциявий парадигма ижтимоий хавфсизлик тизимида инсонни марказий субъект сифатида белгилайди. Бу ёндашув жаҳондаги "инсон хавфсизлиги" концепцияси билан тўлиқ уйғун келади.

Тўртинчидан, меритократик ва либерал тамойилларга асосланган ижтимоий давлат моделини шакллантириш жараёнида институционал омиллар — давлат идоралари, маҳалла тизими, фуқаролик жамияти ва ОАВ — ўртасидаги институционал ҳамкорликни кучайтириш стратегик аҳамиятга эга.

Бешинчидан, радикализм ва экстремизмга қарши профилактик ёндашувда “кескин ўзгариш нуқтаси” модели ва “устозлар иштирокидаги ахборот филтрлаш тизими” (Mentor-based media filtering) каби инновацион механизмларни амалиётга кенг татбиқ этиш зарур.

Олтинчидан, ижтимоий хавфсизликни мониторинг қилишда микро, мезо ва макро даражалардаги индикаторлар тизимини яратиш ва "муаммолар банки" маълумотларидан мунтазам фойдаланиш самарали ҳудудий ижтимоий сиёсатни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] UNDP. Human Development Report 1994: New Dimensions of Human Security. — New York: Oxford University Press, 1994.
- [2] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. — Тошкент: Ўзбекистон, 2016. — 56 б.
- [3] Конт О. Система позитивной политики. Курс позитивной философии. — М.: Соцэкгиз, 1938; Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. — М.: Канон, 1996.
- [4] UNDP. Human Security Now: Protecting and Empowering People. — New York: Commission on Human Security, 2003.
- [5] Giddens A. The Consequences of Modernity. — Stanford: Stanford University Press, 1990. — P. 100–125.
- [6] Buzan B. People, States & Fear: An Agenda for International Security Studies in the Post-Cold War Era. — Boulder: Lynne Rienner, 1991.
- [7] Huntington S. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. — New York: Simon & Schuster, 1996.
- [8] Beck U. Risk Society: Towards a New Modernity. — London: Sage, 1992; Bauman Z. Liquid Modernity. — Cambridge: Polity Press, 2000.
- [9] OECD. How's Life? Measuring Well-being. — Paris: OECD Publishing, 2022.
- [10] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (янги тахрир). — Тошкент: Адолат, 2023.
- [11] Хидиров С.Н. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда радикализмга қарши курашиш механизмлари // Жамият ва бошқарув. — 2023. — №2. — Б. 45–58.
- [12] Бекмуродов М.Б. Замоनावий бошқарув социологияси. — Тошкент: Академия, 2020. — 320 б.
- [13] Хидиров С.Н. “Ижтимоий хавфсизлик”. — 2024. — №1. — Б. 12–26.
- [14] Esping-Andersen G. The Three Worlds of Welfare Capitalism. — Princeton: Princeton University Press, 1990.